

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЛИҚОВ ТУРСУНАЛИ СУЮНОВИЧ**

**ТУРЛИ ФУНКЦИОНАЛ ГУРУҲЛАР ТУТГАН АРОМАТИК  
КИСЛОТАЛАРНИНГ МУРАККАБ ЭФИРЛАРИ СИНТЕЗИ ВА УЛАРДАН  
ФЙДАЛАНИШ**

**02.00.03-Органик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2019**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of doctor (DSc)**

**Холиқов Турсунали Суюнович**

Турли функционал гуруҳлар тутган ароматик кислоталарнинг мураккаб эфирлари синтези ва улардан фойдаланиш.....3

**Холиков Турсунали Суюнович**

Синтез эфиров ароматических кислот, содержащих различные функциональные группы и их использование .....29

**Kholikov Tursunali**

Synthesis of Aromatic Esters acids containing various functional groups and their using.....55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....59

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЛИҚОВ ТУРСУНАЛИ СУҮНОВИЧ**

**ТУРЛИ ФУНКЦИОНАЛ ГУРУҲЛАР ТУТГАН АРОМАТИК  
КИСЛОТАЛАРНИНГ МУРАККАБ ЭФИРЛАРИ СИНТЕЗИ ВА УЛАРДАН  
ФЙДАЛАНИШ**

**02.00.03-Органик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2019**

**Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.DSc/К.31 рақам билан рўйхатга олинган**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ik-kimyo.nuu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Абдушукуров Анвар Кабирович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Махсумов Абдулхамид Гафурович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Азизов Умархон Мухтарович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Матчанов Алимжан Давлатбаевич**  
кимё фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент Фармацевтика институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университет ҳузуридаги DSc.27.06.2017.К.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг «30» декабрь 2019 йил соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-07-88; 227-12-24 факс: (+99871) 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru )

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (153- рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел:(99871)227-12-24,факс (99824)246-53-21; 246-02-24. e-mail: nauka@nuu.uz). ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871)236-46-55; факс: (99871)246-02-24.

Диссертация автореферати 2019 йил «18» декабрь куни тарқатилди.

(2019 йил «18» 12 даги \_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Х.Т. Шарипов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси к.ф.д., профессор

**Д. А. Гафурова**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби к.ф.д.

**И.А. Абдугафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси ўринбосари к.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳонда чиқиндисиз технологиялар яратиш ва корхона чиқиндиларидан унумли фойдаланган ҳолда янги препаратлар олиш ва уларни қишлоқ хўжалиги ва тиббиётда турли зарарли ҳашоратлар ва касалликларга қарши қўллаш муҳим амалий аҳамиятга эга. Айниқса, бу борада маҳаллий хомашёлар асосида парфюмерия саноати учун ҳид берувчи воситалар, қўтир ва баъзи каналарга қарши доривор бирикмалар олиш, уларнинг хоссаларини яхшилаш ва қўлланилиш соҳаларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда ароматик кислоталарнинг эфирларини олишнинг этерификация ва переэтерификация реакцияларини такомиллаштириш, бу жараёнларга янги катализаторларни қўллаш устида ҳам кўплаб изланишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда ушбу реакцияларда турли оралик металлларнинг тузларидан катализаторлар сифатида фойдаланиш мумкинлиги аниқланган. Бу йўналишда титан ва унинг асосида олинган бирикмалар айниқса кенг қўлланилмоқда. Титаннинг алкокси бирикмалари нафақат этерификация реакцияларида, балки переэтерификация реакцияларида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда озиқ-овқат саноатининг асосий маҳсулотларига қўшимчалар сифатида карбон кислоталарнинг эфирлари кенг қўлланилиб келинмоқда. Бироқ ушбу моддалар табиий маҳсулотлар таркибида кўплаб учрашига қарамадан республикаимизда ишлаб чиқарилмайди ва хорижий давлатлардан олиб келтирилади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида<sup>1</sup> “юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни; чиқиндиларни санитария жиҳатдан тозалаш ва утилизация қилиш” га йўналтирилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, ишлаб чиқариш корхоналари чиқиндилари таркибидаги карбон кислоталарнинг турли ҳосилаларини ажратиб олиш ва хоссаларини аниқлаш, олинган бирикмаларни қўшимча жараёнларсиз тозалаш усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ҳамда 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибadorлигини ошириш» тўғрисидаги Қарорлари ҳамда

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологиялари ривожланишининг VII. “Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Ароматик карбон кислоталарнинг мураккаб эфирларини олиш бўйича йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва университетларида, жумладан: Nagoya University (Япония), Istituto Chimica Ormoni C.N.R.Milano Italy (Италия), University of California (АҚШ), Қозон федерал университети (Россия), Zhejiang University (Хитой), University of Perugia (Италия), Rutgers State University of New Jersey (АҚШ), Wrocław University of Technology (Польша), Уфа университети (Россия), Одесса кимё технология университети (Украина), "Салаватнефтеоргсинтез" (Салават-Россия ОАЖ), ZCTS Boryszew S.A. (Польша), Deza A.S. (Чехия), Zaklady Azotowe Kedzierzyn S.A. (Польша), Basf AG (Германия), Optiplast GmbH (Германия) Ўсимлик моддалар кимёси институти, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент кимё технология институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Ароматик карбон кислоталар ва уларнинг эфирларига бўлган талаб ошганлиги боис бу бирикмаларни синтез қилиш ва уларни амалиётга қўллашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: салицил кислотасининг симметрик дикарбон кислоталар хлорангидридлари билан реакциясидан мураккаб полиангидридлар синтез қилинган (Rutgers State University of New Jersey АҚШ), титан ва гафний тузларини қўллаб эфирларни синтез қилиш усуллари яратилган (Токуо University of Science, Япония), бетулиннинг бензой ва фтал эфирлари 3-О-бензоат аллобетулин ва 3-О-фталат аллобетулин олиш усуллари ишлаб чиқилган (Сибир федерал университети, Россия), фтал кислотасини турли катализаторлар иштирокида спиртлар билан этерификация қилиш натижасида полимер моддаларнинг пластификаторлари синтез қилинган (Wrocław University of Technology Польша), фтал ангидридини 2-этилгексанол ва этиленгликол билан этерификация қилиш орқали ПВХ полимерлари учун самарали пластификаторлар олинган (Россия), икки атомли карбон кислоталарни микротўлқинли нурлантириш билан этерификация усули ишлаб чиқилган (Қозон федерал университети Россия).

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.scholar.google.com>, <http://www.sciencedirect.com>. ва бошқа манбаалар материаллари асосида тайёрланган

Дунёда ароматик карбон кислоталар эфирларининг синтези, улардан халқ хўжалиги ва тиббиётда фойдаланиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устивор йўналишларда изланишлар олиб борилмоқда: замбуруғларга, турли ҳашоротларга қарши юқори самарали бирикмаларни синтез қилиш; фтал кислота эфирларининг синтези жараёнларини такомиллаштириш; мураккаб эфирларни синтез қилишда бир босқичли каталитик реакциялардан фойдаланиш; бензой кислота эфирлари синтез жараёнига микротўлқинли нурланишни жорий этиш, Льюис кислоталари асосида олинган суяқ кристаллардан катализаторлар сифатида фойдаланиш, синтез қилинган бирикмалар асосида янги самарали воситалар ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Карбон кислоталарнинг этерификация реакциялари кўп йиллардан буён ўрганилиб келинаётган жараёнлардан биридир. У органик кимёдаги классик реакциялардан ҳисобланади. Мураккаб эфирлар синтези бўйича кейинги йилларда кўплаб илмий мақолалар чоп этилган, буларга А.Л. Шабанов, С.В. Лисина, Li Yun-Tian, S. Sivakumar, Ming Zhang, Д.Л. Рахманкулов, Д.Н. Аверьянов, К.С. Свирский каби олимларнинг олиб борган илмий ишларини мисол қилиб келтириш мумкин. Бундан ташқари этерификация ва переэтерификация реакцияларида қўлланиладиган катализаторларни кашф этишга бағишланган мақолалар ҳам даврий равишда эълон қилиб борилмоқда. Буларга Ш. Риддленд, J Hinde Wicholas, M. Bakker, каби олимларнинг патентлари ва илмий мақолаларини мисол сифатида келтириш мумкин. Ўзбекистонлик олимлардан Х.М. Шоҳидоятлов ва унинг шогирдлари этерификация реакцияларига гетероҳалқали бирикмаларни катализатор сифатида қўллашган, проф. А.Г.Махсумов ва шогирдлари пропаргил эфирларини олиш устида илмий изланишлар олиб боришган, проф. Қ.Н. Ахмедов раҳбарлигида алкилолфталимидларнинг карбон кислоталар билан этерификация реакциялари олиб борилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг П-15.17. «Маҳаллий хом ашё асосида кўтирга қарши фаолликка эга бўлган бензилбензоат ва унинг янги дори шаклини олиш» (2005-2008) мавзусидаги амалий лойиҳа асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** турли функционал гуруҳлар тутган ароматик карбон кислоталарнинг эфирларини синтез қилишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш, уларнинг тузилишларини исботлаш, физикавий ва биологик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

фтал кислотаси натрийли тузини алкилгалогенидлар, хлорсирка кислотаси алкил эфирлари билан диметилсульфоксид ва диметилформамид иштирокида алкиллаш реакцияларини олиб бориш ва реакциянинг боришига эритувчининг таъсирини аниқлаш;

фтал ангидридининг алифатик ва ароматик спиртлар билан Льюис кислоталари катализаторлигидаги реакцияларини олиб бориш, катализаторларнинг фаоллигини аниқлаш ва самарали катализаторларни кейинги реакциялар учун қўллаш;

натрий бензоатнинг алкилагалогенидлар ва монохлорсирка кислота эфирлари ҳамда амиди билан борадиган нуклеофил алмашиниш реакцияларини эритувчилар иштирокида олиб бориш, олинган натижаларни п-ҳолатида турли ўринбосарлар тутган бензой кислота тузларига қўллаган ҳолда уларнинг эфирларини синтез қилиш;

бензой кислотасининг ароматик ва алифатик спиртлар билан этерификация реакцияларида  $FeCl_3 \cdot 6H_2O$  тузининг каталитик хусусиятини аниқлаш ва ушбу катализаторни бензой кислота эфирларини переэтерификация реакциясида қўллаш;

натрий салицилат ва натрий антранилатнинг алкилгалогенидлар билан реакцияларини диметилформамаид эритувчиси иштирокида олиб бориш, салицил ва антранил кислоталарининг спиртлари билан реакцияларида темир тузларининг катализаторлик хоссаларини аниқлаш;

реакцияларнинг натижаларини таққослаш, реакцияларнинг оптимал шароитларини таклиф этиш, реакциянинг боришига ва маҳсулот унумига реагентларнинг моллар нисбатлари таъсирини аниқлаш;

реакция натижасида олинган органик бирикмаларнинг тузилишини физик-кимёвий тадқиқот усуллари ёрдамида исботлаш ва уларнинг қўлланилиш соҳаларини белгилаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ароматик моно- ва дикарбон-кислоталар, фтал ангидриди, алмашинган бензой кислота ҳосилалари ва уларнинг тузлари, ароматик ва алифатик спиртлар, алкилгалогенидлар, хлорсирка кислотасининг эфирлари ва амиди танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** ароматик карбон кислоталар турли ҳосилаларининг спиртлар ва алкилгалогенидлар билан алмашиниш реакцияларидаги катализаторлар ва эритувчилар, реакция маҳсулотларининг физик-кимёвий ва биологик хоссалари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида нозик органик синтез, замонавий фундаментал ва амалий усуллари, юпқа қатлам, газ-суюқлик, юқори самарали суюқлик хроматографияси, ИҚ- ва ПМР-спектроскопия, рентгентузилиш таҳлили каби замонавий назарий ва амалий усуллар қўлланилган.

**Ишнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

илк бор карбон кислоталар тузларининг алкилгалогенидлар билан реакциясида диметилформамаиднинг каталитик хусусияти аниқланган;

карбон кислоталар тузларининг хлорсирка кислотаси эфирлари ва амиди билан реакциялари олиб борилган ва таркибида тўртта карбонил гуруҳи сақлаган жуфт анион хоссали бирикмалар синтез қилинган;



п-ҳолатида турли ўринбосарлар тутган бензой кислоталар натрийли тузларининг бензилхлорид билан каталитик миқдордаги диметилформаид иштирокидаги реакцияларнинг бориш механизмлари аниқланган;

саноат чиқиндисидан тўғридан-тўғри этерификация реакцияси ёрдамида бензой кислотасининг метил- ва этил эфирларини олишнинг селектив усули яратилган;

турли ароматик карбон кислоталарнинг спиртлар билан этерификация реакциясида Льюис кислоталарининг катализаторлик хусусиятлари аниқланган;

илк бор  $\text{FeCl}_3 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$  катализатори иштирокида алкилбензоатларнинг бензил спирти билан қайта эфирланиш реакцияси олиб борилган ва юқори унум билан бензилбензоат олишнинг препаратив усули яратилган;

бензилбензоатни турли шароитларда нитролаш реакцияларини олиб бориш натижасида биологик фаолликни кучайтирувчи нитрогуруҳ тутган ҳосилалари синтез қилиш шароитлари ҳамда маҳсулот таркиби нитроловчи агент табиатига боғлиқлиги аниқланган;

карбон кислоталарнинг натрийли ва калийли тузларининг алкилгалогенидлар билан реакцияларини каталитик миқдордаги диметилформаид эритувчиси ва триэтиламин иштирокида олиб бориш ҳамда бу жараёнда юқори унум билан эфирлар олиш мумкинлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

саноат чиқиндиси асосида бензой кислотасининг метил- ва этил эфирларини этерификация реакциялари билан олиш мумкинлиги ва бу реакцияларда олинган эфирларнинг тоза бензой кислотаси иштирокида олинган эфирлардан фарқ қилмаслиги аниқланган;

алкилбензоатларнинг бензил спирти билан  $\text{FeCl}_3 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$  катализатори иштирокида переэтерификация реакцияларини олиб бориш ва ушбу катализаторни бошқа ароматик карбон кислоталар ва уларнинг ҳосилаларини этерификация қилишга қўллаш мумкинлиги исботланган;

бензой кислотаси бензил эфирининг қўтир касаллигига қарши самарали ва қулай қўллаш усули топилди ва унинг пектин макромолекуласи билан гидрофоб таъсирлар орқали боғланиши аниқланди, айрим карбон кислота эфирларини металл конструкцияларнинг коррозиясига қарши воситалар сифатида фойдаланиш мумкинлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** турли усул билан олинган моддаларнинг тузилиши бошқа замонавий текшириш усуллари ИҚ-, ПМР-спектроскопия, рентген тузилиш таҳлили ҳамда ГСХ ва ЮССХ усуллари ёрдамида олинган натижалар билан текширилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти саноат чиқиндиси асосида бензой кислотасининг алкил- ва арил эфирларини синтез қилишнинг янги усуллари ишлаб чиқилди, олинган эфирларни каталитик миқдордаги темир

тузлари иштирокида переэтерификация қилиш орқали улардан бошқа эфирлар синтез қилинди, ушбу усул ёрдамида бошқа ароматик карбон кислотлар ва уларнинг ангидридларини спиртлар билан этерификация қилиш мумкинлиги, олинган бирикмаларнинг тузилиши ва тозалигини спектроскопик ва хроматографик усуллар билан аниқлаш орқали ҳамда реакциялар механизмини келтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти карбон кислоталар тузларининг диметилформаид, триэтиламин ва тўртламчи аммоний тузлари иштирокида алкилгалогенидлар ва хлорсирка кислотаси эфирлари ҳамда амиди билан реакцияларидан турли бирикмаларнинг олинганлиги, саноат чиқиндисини таркибидоги ароматик карбон кислоталарни эфирларига ўтказиб ажратиб олинганлиги, бензилбензоатнинг пектин билан янги дори шаклини олиш усули ишлаб чиқилганлиги, карбон кислоталар тузларининг бензилхлорид билан каталитик миқдордоги диметилформаид иштирокида реакцияларини амалга ошириш мумкинлиги лаборатория ва саноатда бу усулни қўллашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Турли функционал гуруҳлар тутган ароматик карбон кислоталарнинг эфирлари синтези жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

бензой кислотасининг бензил эфирини олиш учун ташкилот стандарти (Ts 02072392-001:2019) «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган. Натижада кўтир, педикулёз касаллигига қарши қўллаш мумкин бўлган препарат ишлаб чиқариш имконияти яратилган;

ароматик карбон кислота ҳосилаларидан дикарббутоксиметилфталат, дикарбэтоксиметилфталатлар қурилмалардаги коррозия жараёнига қарши ингибиторлар сифатида Муборак газни қайта ишлаш заводида амалиётга жорий қилинган (Муборак газни қайта ишлаш заводининг 2019 йил 22 майдаги 680/68-19.05-сон маълумотномаси). Натижада нефть-газни қайта ишлаш металл конструкция ва қурилмаларнинг эксплуатацион самарадорлигини ошириш имконини берган;

ароматик карбон кислота ҳосилаларидан дикарббутоксиметилфталат, дикарбэтоксиметилфталатлар қурилмалардаги коррозия жараёнига қарши ингибиторлар сифатида “UNG ECONN” МЧЖ Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасида амалиётга жорий қилинган (“UNG ECONN” МЧЖнинг 2019 йил 28 ноябрдаги 11-462-28.11-сон маълумотномаси). Натижада совутиш тизимлари, металл қурилма ва конструкцияларининг коррозияга қарши самарадорлигини ошириш имконини берган;

ароматик карбон кислоталарнинг мураккаб эфирлари синтезида Льюис кислоталаридан фойдаланиш натижаларидан ЁФ-7-03 рақамли «Ароматик бирикмаларни этилолимидлар билан протон ва апротон кислоталар иштирокида мақсадли синтезини ўрганиш» мавзусидаги лойиҳада алмашинган бензой кислоталар ва алмашинган сирка кислота ҳосилаларининг мураккаб эфирлари синтези жараёнида фойдаланилган

(Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил декабрдаги 89-03-2743-сон маълумотномаси). Натижада граммусбат ва грамманфий бактерия микроорганизмларга қарши юқори бактерицидлик хоссага эга бўлган мураккаб эфирларни олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 11 та жумладан 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори диссертациялари асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 12 та илмий ишлар чоп этилган шулардан 9 таси республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтига боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 187 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ароматик карбон кислоталарнинг мураккаб эфирлари синтези**» деб номланган биринчи бобида ароматик карбон кислоталар эфирларини синтез қилишга бағишланган сўнгги йилларда чоп этилган адабиёт маълумотлари таҳлили келтирилган.

Бу бобдан кўринадики ароматик карбон кислоталарнинг мураккаб эфирларини синтез қилиш бўйича сўнгги йилларда кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Уларнинг аксарият қисми ушбу эфирларни синтез қилишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқишга бағишланган. Жумладан, келтирилган маълумотларда этерификация реакцияларида турли металлларнинг бирикмаларидан фойдаланишга бағишланган ишлар ҳам кўпчиликти ташкил этади.

Ўрганилган карбон кислоталар эфирлари орасида фтал кислота эфирлари халқ хўжалигида кўплаб қўлланилган. Бу эфирлар асосан синтетик полимерлар учун пластификаторлик вазифасини бажарганлиги учун уларга талаб катта. Бензой ва салицил кислоталарнинг эфирлари тиббиётда ва парфюмерияда қўлланилиши сабабли улар асосан доривор моддалар олиш учун синтез қилинган.

Диссертациянинг “Фтал кислота эфирларини синтез қилиш” деб номланган иккинчи бобида фтал кислотасининг эфирларини турли усуллар билан синтез қилишга бағишланган илмий тадқиқотлар натижалари келтирилган.


Дастлаб фтал кислотаси натрийли тузининг пропилбромид, бутилбромид ва бензилхлоридлар билан диметилсульфоксид, диметилформамаид эритувчилари ва триэтиламин иштирокидаги реакциялари келтирилган. ДМСО иштирокида олиб борилган тажрибалар натижаларидан пропилбромид ва пропилхлоридга нисбатан бензилхлориднинг реакцияга киришиш фаоллиги юқори эканлиги аниқланган. Бу тажрибаларда пропилбромидда 56%, бутилбромидда 57% ва бензилхлоридда 74% унум билан маҳсулотлар олишга эришилди.

Худди шу тажрибалар диметилформамаид иштирокида олиб борилганда тегишлича 60%, 62%, ва 76% унум билан маҳсулотлар олишга эришилди. Ушбу тажрибалар натижалари бўйича тажриба шароитида диметилформамаид диметилсульфоксидга нисбатан қулай эритувчи эканлиги аниқланган. Тадқиқот давомида маҳсулот унумига вақт, алкилгалогенид ва эритувчи миқдорининг таъсирлари ўрганилди ва реакцияларни олиб боришнинг оптимал шароити сифатида реагентлар миқдори динарийфталат : алкилгалогенид : ДМФА = 1:3:5 нисбатда реакция давомийлиги 5 соат эканлиги аниқланди.

Шунингдек, тадқиқот натижасида диметилформамаиднинг кам миқдорлари ҳам реакциянинг боришига таъсир этиши аниқланган. Бу шароитда фақат ортиқча миқдорда олинган бензилхлорид иштирокида олиб борилган тажрибалардагина ижобий натижаларга эришилди. Бунда динарийфталат:бензилхлорид:диметилформамаид 1:6:0,8 моль нисбатларда олинганда 5 соат давомидаги тажрибаларда 75% унум билан маҳсулот олишга эришилган.

Фтал кислотаси динарийли тузининг алкилгалогенидлар билан реакцияси триэтиламин иштирокида ҳам ўрганилди. Пропилбромид иштирокидаги тажрибаларда деярли натижаларга эришилмади. Триэтиламин билан ортиқча олинган бутилбромид иштирокида олиб борилган тажрибаларда реагентлар нисбати динарий фталат:н-бутилбромид:ТЭА = 1:4:0,05 моль бўлганда 6 соат давомида олиб борилган тажрибаларда 10% га тенг бўлган унум билан маҳсулот олишга эришилди. Буни ушбу шароитда ҳосил бўлган тўртламчи аммоний тузининг қаттиқ фазадаги туз билан кам даражада таъсирлашиши билан тушунтириш мумкин.

Триэтиламиннинг бутилбромид билан реакция шароитида тўртламчи туз ҳосил қилишини қуйидагича ифодалаш мумкин:




Бензилхлориднинг динатрий фталат билан реакциясини триэтиламин иштирокида бензол эритмасида олиб борилганда эса натижалар олдинги келтирилган тажрибаларга нисбатан анча юқори бўлди. Юқорида таъкидланганидек, триэтиламин реакция аралашмада бензилхлорид билан таъсирлашиб тўртламчи аммоний тузни ҳосил қилади ва ҳосил бўлган бу туз фазалараро катализатор вазифасини ўтайди.

Реакция 4 соат давомида магнитли аралаштиргичда олиб борилди. Реакция тугагач бензол ва ортиқча бензилхлорид ҳайдаб олинди. Қолдиқ эса сув билан ювилди. Бунда эфир қатлами ҳосил бўлади. Бу қатламни сувли қисмдан ажратиб  $\text{CaCl}_2$  ёрдамида қуритилди ва ҳайдаб тозаланди. Энг юқори унум 52 фоизни ташкил этди.

Кейинги тажрибалар ортиқча олинган бензилхлорид иштирокида қайнатиш билан олиб борилди. Олдинги тажрибадан фарқли равишда бу тажрибада фтал кислота тузининг кўпроқ эриши ва реакция тезлигининг юқорилиги кузатилди ва бунда 4 соат давомида 75% унум билан маҳсулот олишга эришилди.


Триэтиламин иштирокисиз реакциянинг бориш бормаслигини текшириш мақсадида ҳар иккала ҳолда ҳам триэтиламин қўшмасдан 3 соатлик тажрибалар олиб борилди ва бу ҳолатда маҳсулот ҳосил бўлмадлиги аниқланди.

#### Динатрий фталатнинг бензилхлорид билан ТЭА иштирокидаги реакциясининг Старкс цикли




Кейинги тажрибаларда фтал кислота эфирларини фтал ангидридини  $\text{FeCl}_3 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$  ва  $\text{ZnCl}_2$  тузлари иштирокида пропил, бутил ва бензил спиртлари билан этерификация реакциялари орқали синтез қилиш устида тадқиқотлар олиб борилди. Ўтказилган тажрибалар натижасида  $\text{ZnCl}_2$  тузи иштирокида 6 соат давомида 43% унум билан дипропилфталат, 58% унум билан дибутилфталат ва 60% унум билан дибензилфталат олиш мумкинлиги аниқланди.  $\text{FeCl}_3 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$  иштирокидаги тажрибаларда эса 6 соат давомида дипропилфталат 64%, дибутилфталат 65%, дибензилфталат 78% унум билан ҳосил бўлиши кўрсатилди. Тажриба натижалари кўрсатиб турибдики, бу шароитда  $\text{FeCl}_3 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$  нинг катализаторлик хусусияти юқорироқ бўлар экан.


Фтал ангидридининг  $ZnCl_2$  иштирокидаги спиртлар билан этерификация реакцияси тенгламасини қуйидагича ёзиш мумкин:




Рух тузлари Льюис кислоталари қаторига кирганлиги сабабли уларда вакант орбиталлар мавжуд, шу сабабли улар кислота молекуласидаги кислород атомига акцептор сифатида боғланиши мумкин. Ушбу фикрлардан фойдаланган ҳолда фтал ангидридининг  $ZnCl_2$  иштирокидаги спиртлар билан этерификация реакцияси механизмини схематик равишда қуйидагича тасвирлаш мумкин:



Рух хлорид тузи учун таклиф этилган механизмга ўхшаш ҳолда темир тузи иштирокида олиб борилган реакция механизмини тасвирлаш мумкин. Лекин шу билан бир қаторда альтернатив механизм сифатида қуйидаги механизмни таклиф этиш мумкин. Дастлаб  $\text{FeCl}_3 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$  тузи температура таъсирида қуйидаги ҳолатга ўтади:



Ҳосил бўлган комплексдаги протон этерификация реакцияси учун катализаторлик вазифасини бажаради.



Юқорида келтирилган тажриба натижаларидан хулоса қилиш мумкинки, келтирилган тажриба шароитларида фтал кислотасининг тегишли эфирларини синтез қилиш мумкин бўлар экан. Келтирилган усуллардан самаралироқ усул сифатида динатрий фталатнинг алкилгалогенидлар билан ДМФА эритувчиси иштирокидаги ва фтал ангидридининг спиртлар билан  $\text{FeCl}_3 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$  катализатори иштирокидаги этерификация реакцияларини таклиф этиш мумкин.

Олинган бирикмаларнинг ИҚ-спектрлари таҳлил қилинганда  $1599 \text{ см}^{-1}$  соҳада диалмашган ароматик ҳалқага тегишли бўлган кучли ютилиш,  $3071 \text{ см}^{-1}$  соҳада диалмашган ароматик ҳалқага тегишли бўлган кучсиз ютилиш,  $1470 \text{ см}^{-1}$  соҳада диалмашган ароматик ҳалқага тегишли бўлган ўртача ютилиш максимуми кузатилади.  $2900 \text{ см}^{-1}$  соҳада  $\text{CH}_3$ -гурухининг кучли ютилишига тегишли,  $1380\text{-}1450$  соҳада метил гуруҳига тегишли кучсиз ва ўртача ютилиш чўққилари кузатилади.  $1731 \text{ см}^{-1}$  соҳада фтал кислотасининг мураккаб эфирларига тегишли кучли ютилиш максимумлари кузатилади.  $1382 \text{ см}^{-1}$  соҳада н-пропил гуруҳига тегишли ютилиш максимуми мавжуд.


Диссертациянинг “**Бензой кислота эфирларини олиш**” деб номланган учинчи бобида бензой кислотаси асосида бензилбензоат олиш ва п-ҳолатида турли ўринбосарлар тутган бензой кислоталар натрийли тузларининг бензилхлорид билан реакциялари натижалари келтирилган.

Бензой кислотасининг бензил эфирини олиш учун бензилхлориднинг натрий бензоат билан реакцияси ҳар хил эритувчилар иштирокида олиб борилди: этанол, диметилсульфоксид (ДМСО), диметилформаид эритмаларида, эритувчисиз, ортиқча олинган алкилгалогенид ҳамда триэтиламин ёки тўртламчи аммоний тузлари иштирокида.


Юқорироқ натижаларга реакцияларни диметилформаид билан олиб борилганда эришилди. Реакция ДМФА эритмасида юқори унум билан тез кетади. Эритувчи миқдори маҳсулот унумига сезиларли таъсир кўрсатади. Унинг миқдорини натрий бензоатга нисбатан беш мартадан саккиз мартагача орттирилганда бензилбензоат унуми 81% дан 93% гача ортади.

Маълумки, ДМФА юқори температурада парчаланаяди. Ортиб қолган ДМФАни реакция аралашмадан ҳайдаб олиш вақтида унинг катта қисми йўқотилади. Унинг сарфини камайтириш мақсадида биз реакцияларни кам миқдордаги ДМФА иштирокида, 70<sup>0</sup>С да 4 соат давомида аралаштириш билан олиб бордик. Бу тажрибаларда бензил хлорид натрий бензоатга нисбатан олти барабар кўп олинди. Ўтказилган тажрибалар бу усулнинг самарадорлигини кўрсатди. ДМФА миқдорини 1 моль натрий бензоатга нисбатан 0,2 молдан 2 молгача оширилганда, бензилбензоат унумининг 7% дан 94% гача ортиши кузатилди. Реагентларнинг моляр нисбатлари натрий бензоат: бензилхлорид: ДМФА= 1:6:0,2 бўлганда реакция аралашмани 1-4 соат давомида қайнатиб олиб борилганда бензилбензоат унумининг 72% дан 94% гача ортиши кузатилди.

Олинган натижалар асосида кам миқдордаги ДМФА натрий бензоат билан бензилхлориднинг реакциясида катализатор вазифасини ўтайди деган хулосага келиш мумкин ва каталитик таъсирини қуйидаги схема билан ифодалаш мумкин.



Ҳосил бўладиган сольват  $C_6H_5COO^-$  ионининг органик қаватга ўтишини ва унинг бензилхлорид билан реакцияга киришишини осонлаштиради.






Триэтиламиннинг натрий бензоат билан бензил хлориднинг реакциясига каталитик таъсир ўтказиши адабиётлардан маълум. Реакция давомийлигининг бензилбензоат унумига таъсирини ўрганиш мақсадида реакцияларни турли вақт давомида олиб борилди. Бунда реакция вақтининг ортиши билан маҳсулот унуми 94% гача ортади.

Тўртламчи аммоний тузлари билан реакциялар ҳам худди юқоридагидек шароитларда олиб борилди, бунда катализатор сифатида тетраметил- ва тетраэтиламмоний бромидлар ишлатилди. Триэтиламин иштирокидаги реакциялардан фарқ қилиб, бу ҳолда маҳсулот унуми катализатор миқдорини маълум чегарагача орттирилганда ортиб бориши кузатилди. Ўтказилган тажрибалар натижасида бензилбензоат олишнинг препаратив усуллари ишлаб чиқилди.

Шунингдек, бензилбензоатни метил- ва этилбензоатларнинг бензил спирти билан переэтерификация реакциялари орқали ҳам олиш мумкин.

Адабиётда келтирилган маълумотларда метилбензоатни бензил спирти билан переэтерификациялаш орқали бензилбензоат олиш реакциясида 78% унум билан маҳсулот олинган. Бу реакцияда катализатор сифатида кўрғошин ацетат ишлатилган. Метилбензоатни бензил спирти билан переэтерификациялаш усулини такомиллаштириш мақсадида янги катализатор қўлланилди ва 90% ҳамда ундан юқори унум билан бензилбензоат олинди. Реакцияда катализатор сифатида биринчи марта кам миқдордаги  $\text{FeCl}_3 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$  ишлатилди. Ўтказилган тажрибаларнинг натижаси ушбу шароитнинг нафақат метилбензоат, балки этилбензоат билан олиб бориладиган реакцияларга ҳам татбиқ қилиниши мумкинлигини кўрсатди.

Олиб борилган тажрибалар натижасида бензилбензоатни олишнинг янги усули ишлаб чиқилди. 1 моль метилбензоатга  $10^{-3}$  моль катализатор қўлланилган тажрибаларда реагентларнинг нисбати ва реакциялар давомийлигининг бензилбензоат унумига таъсири ўрганилди. Реакция реагентларнинг моль нисбати метилбензоат (ёки этилбензоат): бензил спирти=1:2 бўлиб, 5 соат давомида олиб борилган ҳолатдаги шароит оптимал шароит эканлиги аниқланди. Олинган бензилбензоатнинг тозалиги ЮССХ усулида текширилди.




1-Расм. Бензилбензоатнинг юқори самарали суяқлик хроматограммаси



$\text{FeCl}_3 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$  иштирокида олиб борилган тажрибаларда эса энг юқори унум 4 соатда қайд этилди. Бу шароитда пропилбензоат 74%, изоамилбензоат 72%, бензилбензоат 78% унум билан ҳосил бўлиши кузатилди. Юқоридаги тажрибалардан фарқ қилиб ушбу тажрибаларда смолаланиш маҳсулотлари ҳосил бўлмади. Ушбу натижалар шуни кўрсатадики,  $\text{FeCl}_3 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$  иштирокидаги тажрибалар нисбатан секин боради, ушбу усулни ароматик спиртларнинг мураккаб эфирларини олишга қўллаш самаралироқ бўлиши мумкин.

Шунингдек, тажрибалар давомида натрий бензоатнинг хлорсирка кислотаси метил-, этил-, бутил-, изоамил-, бензил эфирлари ва амиди билан реакцияларини эритувчилар иштирокида ўрганилди.



$\text{R} = \text{CH}_3\text{-}, \text{C}_2\text{H}_5\text{-}, \text{C}_4\text{H}_9\text{-}, i\text{-C}_5\text{H}_{11}\text{-}, \text{C}_6\text{H}_5\text{CH}_2\text{-}, \text{NH}_2\text{-}.$

Бензой кислотасининг эфирларини олиш учун натрий бензоатга диметилсульфоксид ва диметилформамид эритмаларида монохлорсирка кислотаси эфирлари таъсир эттирилди. Диметилсульфоксид иштирокида олиб борилган тажрибаларда 1 моль натрий бензоатга 3 моль монохлорсирка кислотаси эфири олиб 5 моль диметилсульфоксид иштирокида тажрибалар олиб борилди. Тажрибалар реакция аралашмани қайнатиш билан турли вақт давомида олиб борилди. Аввалги бобларда таъкидланганидек, диметилсульфоксид нуклеофил алмашилиш реакциялари учун яхши эритувчи бўлиши билан бир қаторда унинг маълум камчиликлари ҳам мавжуд бўлиб, юқори ҳароратларда парчланади. Шу сабабли ҳам натрий бензоат ва монохлорсирка кислотаси эфирлари билан олиб борилган тажрибаларда эритувчи сифатида диметилсульфоксиддан фойдаланилганда реакция унуми 5 соат давомида тегишлича: хлорсирка кислотаси метил эфирида 67%, этил эфирида 71%, бутил эфирида 69%, изоамил эфирида 68%, ва амидида 80% ни ташкил этди.

Худди шу тажрибаларни диметилформамид иштирокида олиб борилганда маҳсулот унумининг маълум даражада ўзгариши сезилди. Бунинг асосий сабабини диметилформамидда бензой кислота тузларининг эрувчанлиги яхши бўлиши ва реакция аралашманинг гомоген муҳит ҳосил қилиши билан тушунтириш мумкин. Тажрибани бир соат мобайнида олиб борилганда маҳсулот унуми диметилсульфоксиддагига нисбатан ҳар бир бирикмада 10% дан кўпроқ ошганлиги кузатилди. Реакция вақтини ҳар соатга оширилганда, мос равишда маҳсулот унуми ҳам ошиб борди ва энг оптимал натижа барча бирикмаларда 5 соатда олинди ва тегишлича 70%, 73%, 69%, 68%, 82% унум билан маҳсулотлар олинди. Худди шу шароитда хлорсирка кислотаси бензил эфирида 72% унум билан маҳсулот олинди. Карббензилоксиметилбензоат сариқ кристалл модда этил спиртида эритилди

ва қайта кристалланди. Олинган кристалл модданинг суёқланиш температураси 45<sup>0</sup>С.

п-Алмашган бензой кислоталарнинг бензил эфирларини олиш мақсадида п-нитро-, п-хлор-, п-амино-, п-бромбензой кислоталар натрийли тузларининг бензилхлорид билан реакциялари ўрганилган. Бензой кислота молекуласига турли функционал гуруҳларни киритиш йўли билан унинг хоссаларини ўзгартириш мумкин. Шу билан бирга п-ХС<sub>6</sub>Н<sub>5</sub>СОО<sup>-</sup> анионининг нуклеофил алмашиниш реакцияларидаги хоссалари ҳам ўзгаради.


п-Алмашган бензой кислоталарнинг нуклеофил алмашиниш реакцияларига киришиш қобилятини ўрганиш ҳамда бензилбензоатнинг янги ҳосилаларини олиш мақсадида п-нитро-, п-хлор-, п-амино-, п-бромбензой кислоталари натрийли тузларининг бензил хлорид билан реакцияси 70<sup>0</sup>С ҳароратда, каталитик миқдордаги диметилформаид иштирокида ўтказилди. Олиб борилган тажрибалар п-нитробензой кислотанинг натрийли тузи бу шароитда реакцияга киришмаслигини кўрсатди.

п-Хлор-, п-амино-, п-бромбензой кислоталарнинг натрийли тузлари бензил хлорид билан п-ХС<sub>6</sub>Н<sub>5</sub>СООНа: С<sub>6</sub>Н<sub>5</sub>СН<sub>2</sub>Сl: ДМФА реагентларнинг моль нисбатлари 1:6:2 бўлганда, 70<sup>0</sup>С ҳароратда 5 соат давомида реакцияга киришиб мос равишда 65%, 83% ва 94% унум билан маҳсулот ҳосил қилиши кузатилди.

Реакцион аралашмани қайнатиш йўли билан олиб борилган тажриба натижалари тузларнинг 1 молига 0,2 моль ДМФА етарли эканини кўрсатди. Бу шароитда олиб борилгани реакциялар натижасида тегишлича 75%, 88% ва 88% унум билан маҳсулот олинди.


п-Нитробензой кислотанинг натрийли тузи реакцион аралашмани қайнатиш ва қўшилаётган эритувчи миқдорини ошириб бориш йўли билан реакцияга киришиши аниқланди. Бунда реагентларнинг моль нисбатлари п-NO<sub>2</sub>С<sub>6</sub>Н<sub>5</sub>СООНа: С<sub>6</sub>Н<sub>5</sub>СН<sub>2</sub>Сl: ДМФА=1:6:2 бўлиб, реакция 4 соат давомида олиб борилганда энг юқори унум 86% бўлиши кузатилди.

п-NO<sub>2</sub>С<sub>6</sub>Н<sub>5</sub>СООНа реакцион қобилятининг бошқа тузларга нисбатан пастлигини нитрогуруҳнинг карбоксилат анионнинг электрон зичлигига кўрсатадиган -I ва -M таъсирлари билан изоҳлаш мумкин.




Бунинг натижасида кучли кислотанинг натрийли тузининг ионлилик даражаси юқори бўлади ва унинг органик эритувчиларда эриши камаяди.

п-Бромбензой кислотаси натрийли тузининг хлорсирка кислотаси эфирлари билан реакциялари ҳам аввалги тажрибалар каби олиб борилди. Бунда ҳам дастлаб п-бромбензой кислотасининг натрий гидрокарбонат билан реакциясидан унинг натрийли тузи синтез қилиб олинди.



Бунинг учун п-бромбензой кислотасидан тортиб олиниб, газ ажралиши тугагунча натрий гидрокарбонатнинг сувли эритмасига қўшилди. Олинган сувли эритма паст ҳароратда оҳиста қуритилди. Олинган туз оқ рангли кристалл модда бўлиб, унуми 86% ни ташкил этди. Олинган тузнинг хлорсирка кислота эфирлари билан реакцияси диметилформаид эритувчиси иштирокида олиб борилди. Реакция тенгламаси:



R=C<sub>4</sub>H<sub>9</sub>-, C<sub>6</sub>H<sub>5</sub>CH<sub>2</sub>-, NH<sub>2</sub>-.

Бензой кислотасидан фарқ қилиб, п-бромбензой кислотасида олиб борилган тажрибалар бир мунча тезроқ бориши кузатилди. Буни ароматик ҳалқадаги бром атомининг кислота кучини ошириши натижасида карбоксил гуруҳдаги кислород атомининг нуклеофиллиги ошиши билан тушунтириш мумкин.





1-жадвал

Натрий п-бромбензоатнинг монохлорсирка кислотаси эфирлари билан ДМФА эритмасидаги реакцияси маҳсулот унумига вақтнинг таъсири

Реагентларнинг моль нисбатлари: натрий п-бромбензоат : монохлорсирка кислотаси эфири:эритувчи	Реакция вақти, соат	Маҳсулот унуми, %		
		2-бутокси-2-оксиэтил-4-бромбензоат	2-бензилокси-2-оксиэтил-4-бромбензоат	2-амино-2-оксиэтил-4-бромбензоат
1:3:5	1	40	38	53
1:3:5	2	46	44	62
1:3:5	3	60	57	65
1:3:5	4	68	65	71
1:3:5	5	70	67	71
1:3:5	6	70	67	72



Фтал ва бензой кислоталар баъзи ҳосилаларининг ИҚ-, ПМР-спектрлари  
натижалари

	(2H ArH (3'6')), 2H ArH (4,5) , 2 (2H OCH <sub>2</sub> ), 2(2H OCH <sub>2</sub> -CH <sub>2</sub> ), 2( 2H CH <sub>2</sub> -CH <sub>3</sub> ), 2( 3H -CH <sub>3</sub> )	7.58 к. 7.35 к. 4.19 т., 3.41 т. 1.62 м., 1.4 м. 1.3 м., 1.25м. 0.85 т.	$\nu_{as}CH_3=2959\text{ см}^{-1}$ , $\nu_sCH_3=2873\text{ см}^{-1}$ $\nu_{C=O}=1732\text{ см}^{-1}$ , $\nu_{C=C}=1600\text{ см}^{-1}$ , $\nu_{as}C-O-C=1288\text{ см}^{-1}$ $\nu_sC-O-C=1124\text{ см}^{-1}$ , $\nu_{CH}=1074-1042\text{ см}^{-1}$ , $\delta_{CH}=743\text{ см}^{-1}$ (1,2 диалмашган бензол ҳалқаси).
	(2H ArH (3'6')) 2H ArH (4,5), 2H (-CH <sub>2</sub> ), 2H ArH 2(2',5'), 2H ArH 2(3',4',5'),	7.98 дд. 7.30 т. 4.00 с. 7.26 д. 7.22 т.	$\nu_{C=O}=1723\text{ см}^{-1}$ , $\nu_{C=C}=1602\text{ см}^{-1}$ , $\nu_{as}C-O-C=1273\text{ см}^{-1}$ , $\nu_sC-O-C=1028\text{ см}^{-1}$ , $\nu_{CH}=1070\text{ см}^{-1}$ , $\delta_{CH_2}=1455\text{ см}^{-1}$ , $\delta_{CH}=738\text{ см}^{-1}$ (1,2 диалмашган бензол ҳалқаси).
	(2H ArH (2,5)) (H ArH (4)) (2H ArH (3,5)) 2H (-CH <sub>2</sub> )	8,05 дд. 7,56 т. 7,42 т. 4.73 с.	$\nu_{NH_2}=3428-3204\text{ см}^{-1}$ , $\nu_{C=O}=1722\text{ см}^{-1}$ , $\nu_{N-C=O}=1686\text{ см}^{-1}$ , $\nu_{C-N}=1597\text{ см}^{-1}$ , $\nu_{as}C-O-C=1271\text{ см}^{-1}$ $\nu_sC-O-C=1029\text{ см}^{-1}$ , $\nu_{CH}=1072\text{ см}^{-1}$ , $\delta_{CH}=712\text{ см}^{-1}$ (моноалмашган бензол ҳалқаси).
